O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 25 dekabr, Juma

23 (329) son

ҲАЁТИМИЗ МЕЪЁРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигига 13 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий кенгаши аъзолари, Марказий кенгаш котиблари ва Тошкент шаҳар партия фаоллари иштирок этдилар.

Йиғилишда партия Марказий кенгаши раиси Х.Дўстмуҳамедов Конституциянинг 13 йиллиги байрами Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Наманган, Тошкент ва Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, пойтахт кенгашларида муносиб нишонланиб, «Конституция – бахтимиз пойдевори», «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари», «Жамият, оила ва аёл», «Давлат тили – фахримиз, ғуруримиз» каби мавзуларда адабий-маърифий тадбирлар ўтказилганини айтди.

Конституциямиз мамлакатимизнинг паспорти, фуқароларимизнинг ҳаёт йўли, умр мазмунини белгилаб берувчи қомусдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси деб қабул қиламиз.»

«Конституция ва жамиятдаги сиёсий партияларнинг ўрни» мавзуида Тошкент Давлат юридик институтининг халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедрасининг мудири, юридик фанлари доктори, профессор Гулчеҳра Маткаримова маъруза қилди.

- Ҳеч бир демократик-ҳуқуқий давлатни конституциясиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституцияси жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси, айни пайтда, ўз мамлакатимизнинг бой тарихи, халқимиз менталитетини ҳисобга олган ҳолда яратилгани боис халқаро экспертлар эътироф этган бебаҳо ҳужжатдир. Президентимиз 2001 йил 4 январда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фамойиши ҳужжатни кенг ва чуқур ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Йиғилишда Конституциямизни ўрганиш ва унинг моддаларини ҳаёт амалиётига доимий тарзда тадбиқ этиб бориш, Конституциянинг ҳаётбахш қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда яшаш нормаларини шакллантириш ҳақида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот-мабуот марказининг директори, ЎзМТДПдан Тошкент вилоят Халқ депутатлари кенгашига сайланган Ҳанифахон Зокирова, юридик фанлари доктори, профессор Лола Саидова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олимжон Ўсаров, партиянинг мафкуравий масалалар бўйича котиби, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров, Марказий кенгаш аъзоси Абдусалом Умаров, партия Марказий кенгаши котиби Ортиқали Қозоқов, Тошкент юридик институти ўқитувчиси, фан номзоди Азизбек Жўллиев, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 3-курс талабалари, Жаҳон тиллари университети ёшлари, шунингдек, Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Нуробод қўрғонида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг бир гуруҳ талабалари қизғин фикр-мулоҳазалари билан чиқдилар.

Анжуман якунида ёшларнинг бир гуруҳи «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолигига қабул қилиндилар. Йиғилишда, шунингдек, партиямиз Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Давлат тили – фахримиз, ғуруримиз» иншолар танловининг республика босқичида 1-ўринга сазовор бўлган Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманидаги 56-ўрта мактаб ўқувчиси Ким Викага ЎзМТДП Марказий кенгашининг қимматбаҳо совғаси топширилди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси



2006 йил — "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтиб бораётган ҳар бир йилимиз ўзига хос муносиб номлар билан аталиб келиняпти.

– Юртбошимизнинг Конституция байрами тантанасида ўтиб бораётган «Сиҳат–саломатлик йили»нинг узвий давоми сифатида кириб келаётган янги йилимиз «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб аталишини таклиф қилиши биз – бўлажак тиббиётчиларни янада руҳлантириб юборди, – дейди бўлғуси шифокор Феруза Иброҳимова.– Касбимизнинг ҳаётдаги аҳамиятини янада чуқурроқ англай бошладик. Яхши ўқишга, бизга билдирилаётган ишончни оқлашга интиламиз.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Партия ҳаёти

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Яқинда ЎзМТДПнинг Бухоро вилоят кенгаши фаоллари иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилди. Шу куни Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонасига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси раҳбарлари, Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари йиғилишди.

Семинар ишини партиянинг вилоят кенгаши раиси Ширинбой Олимов очиб берди ва партиянинг жамиятда тутган ўрни, олдига қўйган асосий вазифалари хусусида гапирди.

Шундан сўнг ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова сўзга чиқиб, Президентимизнинг Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган партиянинг асосий вазифалари ҳақида маъруза қилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Марказий кенгаши котиби Мунира Қориева эса иқтисодий масалалар хусусида сўзлади. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро вилоят филиали директори Анвар Абдуллаев, Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти катта илмий ходими Шуҳрат Бафоев, Бухоро вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи мутахассиси Ўткир Очилов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти катта илмий ходими Бешим Мирзақуловлар партия фаолиятини янада жонлантириш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида сўзлашди.

Маърузалар бўйича қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Семинар сўнгида Президент И.Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгашининг вилоят аҳолисига мурожаатномаси қабул қилинди.

ҚАРИЯЛАР ҚУВОНЧИ

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги Қариялар пансионатида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик патияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, партия котиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ортиқали Қозоқов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот-матбуот маркази директори, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши депутати Ҳанифа Зокирова, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси «Қадрият» бўлими раиси Муборак Юнусхўжаевалар бўлишиб, уларнинг ҳол-аҳволидан хабар олдилар.

Қариялар билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг турмуши учун зарур совғасаломлар қилинди. Санъаткорлар дастасининг куй-қўшиқлари барчада чуқур таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

Барча ўзбек аёллари қатори партиямиз сафидаги аёллар ҳам «Саодат» журнали билан ҳамиша ҳамроҳ ва ҳамнафас. Қадрдон «Саодат» 80 ёшга тўлди! Журнал саҳифаларида ёритилаётган мавзулар хилма-хиллиги, уларда республикамиз хотин–қизларининг ижоди ва ўй–хаёллари акс этаётгани барчамизни қувонтиради. «Саодат»нинг бошқа журналлардан фарқи ҳам ана шунда.

Биз «Саодат»ни 80 ёши билан қутлаймиз! «Саодат»нинг саодатли умри бардавом бўлсин!

ЎзМТДП Марказий Кенгаши

ЎзМТДП вилоят ва туман кенгашлари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, муштарийларимиз диққатига!

«Миллий тикланиш» газетасига 2006 йил учун обуна уюштиришда қатнашиб, туман кенгашлари ва фаоллари, хайрихоҳлари, муштарийлари йиллик обуна миқдорини 50 донадан, вилоят кенгашлари эса 200 донадан оширса, ташкил қилган жами обунаси учун ҳар дона газетага 750 сўмдан мукофот пули берилади.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши «Миллий тикланиш» газетасига жойларда обуна уюштириш, унинг мазмундорлиги ва мундарижасини бойитишга катта ҳисса қўшган партиянинг вилоят кенгашларини йил якунида алоҳида қимматли совғалар билан тақдирлайди.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ИНДЕКСИ: 158

«Саодат» Ўзбекистон хотин-қизларининг жуда катта ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини акс эттирувчи нашрдир. Ана шу сабабли ҳам биз бугунги давримиз қаҳрамонларини, моддий-маънавий бойлик яратаётган опа-сингилларимизнинг ҳаётини, орзуларини, қалб туғёнларини, ишда ва турмушдаги муаммоларини, ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлларидаги ҳаракатларини журнал саҳифаларига олиб чиқишимиз керак. Шу эзгу мақсад йўлида биз ҳар ойда вилоятларга сафарга чиқамиз. Қаҳрамонларимизни излаб далаларга, фабрикаларга, олий ўқув юртларига, коллежларга борамиз, мухлисларимиз билан учрашувлар ўтказамиз ва ҳар гал бундай учрашувлардан куч-қувватга тўлиб, илҳомланиб қайтамиз. Ўнлаб, юзлаб фотосуратлардан танлаб-танлаб муқоваларга олиб чиқамиз, журналнинг саҳифаларини бу суратлар зийнатлайди ва азиз опа-сингилларимизнинг сўзлари, чеҳралари, иш фаолиятлари билан саҳифаларимиз нафас ола бошлайди.

Ойдин ҲОЖИЕВА

АЁЛЛАРНИНГ ҚАДРДОН СИРДОШИ

«САОДАТ» 80 ЁШДА

Инсон ўзига яқин, қадрдон бир сўзни, исмни эшитганда кўнгли ёришади. Шу маънода «Саодат» журнали ҳам ўз номи билан ҳар бир журналхоннинг қадрдонига айлангани шубҳасиздир.

Кичкиналигимдан бирон газета ёки журнал қўлимга тушса, негадир чиқа бошлаган йилини кузатардим. «1925 йилдан чиқа бошлаган». Бу сўзлар «Саодат»нинг мухлисларига яхши таниш. Демак, бу йил севимли журналимиз саксон ёшга тўлади! Ҳақиқий мухлислар билан қадрдонликнинг саксонинчи йили!

Қўлимда «Саодат»нинг юбилей сони. Уни варақлар эканман, «Саодат» неча-неча инсонларнинг ҳамкор, ҳамроҳи, хотин-қизларнинг кўнгил яқин сирдоши, ўзбек аёлларининг сўзларига, овозларига минбар, қанчалаб ижодкор ёшларнинг илк қадам қўйган остонаси ва шу билан бирга катта ҳаётга парвозида қанот бўлганлигининг гувоҳи бўлдим. Гарчи саксон йиллик йўлнинг машаққатларини, оғиру енгилликларини, завқу шавқини журналнинг биргина сонига сиғдириш мушкул бўлса-да, бу сонда берилган самимий дил сўзлари, юракдан билдирилган изҳорлар кўз олдингизда «Саодат»ни бор жозибаси билан намоён қилиб бера олади.

«Ишлайман, ғайратли журналист бўламан, деган одам «Саодат»да ишласа, адашмайди». Бу бир устозимизнинг «Саодат»га берган таърифи.

Ҳар гал журналнинг янги сонини қўлга олганингизда таниш исмларга кўзингиз тушади. Қутлибека Раҳимбоева, Дилором Исмоилова, Маҳмуда Сагдуллаева, Зуҳра Бўриева, Адҳам Жўрабоев, Тамара Хуммаматова, Холтош Усмонова ҳамда суратқаш Рихситилла Нуринбоевларни «Саодат» ва унинг иловаси «Гулчеҳралар»нинг ўқувчилари яхши танишади. Уларнинг республикамиз хотин-қизлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи мақолалари, суратлавҳалари юртимиз тарихи саҳифаларига бугуннинг қаҳрамонлари ҳаётини муҳрлаб қўймоқда. Бир ўйлаб кўринг, матбуот нашрлари ҳам қайсидир маънода тарих китобига ўхшайди. Улар келажак авлодга мозийдан сабоқ бериб туради. Журналнинг таваллуд айёми баҳона бўлиб, унинг тақдири билан ҳам анча қизиқиб қолибман.

80 ёшни қаршилаётган журналнинг биринчи сони қандай бўлгани кўпчилик журналхонларни ҳам қизиқтиради, албатта. 1925 йилнинг декабрида бугунги «Саодат» «Янги йўл» номи билан ўқувчилар қўлига етиб борган экан. Кейинчалик у «Ёрқин турмуш» деб номланди. Журнал 1938 йилда «Ёрқин ҳаёт», 1968 йилда «Ўзбекистон хотин-қизлари» деган номлар билан чиқди. «Саодат»га 1966 йилнинг май ойида ҳозирги номи қўйилди. Ўша йилларда журнал таҳририятида масъул котиблик қилган Маҳбуба Раҳимова унинг «юзи»ни — қиёфасини янгилаш борасида анча ишлар қилди. 30 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга Зокиржон Раҳимов техник муҳаррир, Солиҳ Ҳасанов қалами ўткир, тажрибали ходимлардан эди. Таҳририят жамоаси аҳиллик, якдиллик билан ишлагани боис ўша вақтда журналнинг тиражи ҳам кўпайди. Дастлабки йили адади 2000та бўлган журнал 1936 йилда 17000, 1966 йилда 251267, 1975 йилга келиб эса 630085тага етди.

Ўзим ҳам ўқувчилик йилларимдан «Саодат»га ошно бўлиб катта бўлганман. Иқтидорли ижодкорлар Кўчқор Норқобил, Салим Ашурларнинг ҳар бир чиқиши баҳсли, муаммоли мавзуларда бўларди. «Саодат» том маънода ёш ўзбек журналистлари учун тажриба мактаби бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бунда, албатта, журнал муҳаррирларининг ҳам ҳиссаси катта бўлганини айтиб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Саодат Шамсиева, Фотима Ниёзова, Иқбол Акбархўжаева, Ойдин Собирова... уларнинг ҳар бири ҳам гўзал қизлару лобар аёлларнинг яқин сирдоши бўлишга интилиб иш тутишган.

«Саодат»да шоира Зулфияхоним муҳаррир бўлган йилларни кўпчилик яхши эслайди. Кейинчалик журналга шоира Ҳалима Худойбердиева муҳаррир бўлди. Ҳозир эса Ойдин Ҳожиева раҳбарлигидаги таҳририят жамоаси журналхонларнинг ҳамишагидек яқин ҳамроҳи бўлиб келмоқда. Журналнинг иловаси «Гулчеҳралар» ҳам ўз ўқувчиларига эга. Унга дилдан мактуб ёзадиган муштарийларнинг мактубларидан ҳам буни билса бўлади. Қалбларга йўл топа олган бу нашрлар хотин-қизлар хуш кўрадиган кўзгуга ўхшайди. Саҳифаларида бугуннинг нафаси уфуриб турган «Саодат» ва «Гулчеҳралар»да ҳозирги кун ёшлари, уларнинг орзу-ўйлари мужассам.

Хуллас, ҳамма вақт ҳам «Саодат» ўз ўқувчилари билан яхши мулоқотда бўлган нашр сифатида тан олинган. Бугун ҳам шундай. Қутлуғ кун муносабати билан кўп минг сонли журналхонлар номидан таҳририят жамоасига ижодий кайфият, соғлиқ, бахт ва ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Зумрад ВАҲОБОВА

ТЕРАН МАНТИҚЛИ ОЛИМ

Устоз Матёқуб Қўшжонов хотирасига

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида адабиётга кириб келган адиб ва шоирларнинг кўпчилиги Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) бағридан чиққан. Бу авлод вакилларини маълум маънода омади чопган ижодкорлар деса бўлади. Биринчидан, ўша йиллари шўро сиёсатида оз бўлса-да, эрк шабадалари эсиб, ҳаётнинг мураккаб жиҳатлари ҳақида қалам тебратиш имкони туғилган, бу эса узоқ йиллар давом этган «ёпиқ» мавзулар замонидан озми-кўпми қутулиб, эркинроқ ижод қилиш имконини яратган эди. Иккинчидан, университетда Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов ва яна бир қанча устозлар талабаларни янгича фикрлаш, муттасил изланишга ундар, ёш шоир ва адибларнинг илк машқлари университетда қизғин муҳокама қилинар, бир сўз билан айтганда, бу даргоҳда чинакам ижодий муҳит бор эди. Кейинчалик ўзбек адабиёти тараққиётига салмоқли улуш қўшган қаламкаш ва олимлар айнан шу даргоҳдан «учирма» бўлгани бежиз эмас...

Домлаларимизнинг феъл-атвори ҳам, дарс ўтиш услуби ҳам ҳар хил эди.

Масалан, Озод домланинг «лекция»-лари ўта жўшқин, фикрларга бой, эскича тафаккур қилувчи бошқа домлаларга мутлақо зид бўларди. (Уларни илмий тилда «лекция» деб аташ ҳам қийин эди)

Матёқуб аканинг дарслари эса вазмин, осойишта, мантиқи чуқур, аммо зерикарли эмас, янги мулоҳазаларга бой бўлгани учун ғоят қизиқарли ўтар, шунинг учун ҳам бундай устозлар сабоғини болалар соғиниб кутишар, бошқа факультетлардан, ҳатто бошқа институтлардан ҳам «бегона» талбалар келиб, шу устозлар сабоғини тинглар эдилар. Матёқуб домла дарс пайтида ҳам, бошқа жойда ҳам бирон марта овозини баланд кўтариб ёки ҳаяжонга берилиб гапирганини эшитган эмасмиз. Ҳар қандай вазиятда ҳам оғир-босиқ, теран мантиқ билан фикрловчи, ўз фикрини тағин ўша – чуқур мантиқ билан ифодаловчи одати бор эди. Талабалар Матёқуб ака урушда снайпер бўлган дейишарди. Қайсидир китобда ўқиганман, мерган-снайпер бўлишнинг биринчи талаби – сабр-қаноатли бўлиш, ҳеч қачон шошилмаслик экан. Чиндан ҳам мерган зарур бўлса, қор остида соатлаб қимир этмай ётиши, душман кўзга кўринишини кутиши, шунда ҳам асло шошилмай, уни яхшилаб мўлжалга олиши шарт. Домла ўзи тадқиқ этаётган асарларни ҳам ғоят синчковлик билан ўрганган, ижод сирларини мукаммал таҳлил этгани, бирон асар ҳақида ҳеч қачон шоша-пиша хулоса чиқармагани кўриниб турарди. Ойбек тасвиридаги кенг қамровни, Қаҳҳор ижодидаги зиддиятларни, устоз адиб ва шоирлар ижодий поэтикасини чуқур ва атрофлича таҳлил қилган олим, шубҳасиз, Матёқуб Қўшжоновдир.

Бир кўчат ўсиб, мевага кириши учун неча йиллар керак. Бошқа сафдошларим қатори мен ҳам ўзимни устозлардан ёлғиз шогирд санайман. Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Зулфия опа, Шухрат домла, Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов каби устозларимдан ҳамиша қарздорман.

Табиийки, ҳар қандай ижодкор ўз асарининг адабий жамоатчилик, кенг ўқувчилар оммаси томонидан қандай кутиб олинганини билгиси келади.

Айниқса, атоқли адабиётшунос мунаққидларнинг фикри қадрли бўлади. Менинг бир қанча машқларимга домла Матёқуб ака ҳалол ва холис фикр билдириб, катта-катта мақолалар ёзгани билан фахрланаман. Уларда шунчаки мақтов ёки танқид эмас, чуқур таҳлил, жўяли фикрлар ярқ этиб кўзга кўриниб турар эди. (Домланинг тақризларига асос бўлган хусусият айнан шу – теран таҳлил ҳисобланади.) «Нур борки, соя бор» романининг журналда эълон қилинган бобида асар қаҳрамони Помир тоғига – Бадахшонга борар, олис ва машаққатли сафар тафсилотлари тасвирланганди. Бу сафар чиндан ҳам бўлган, устозим Озод Шарафиддинов бошчилигида Ўш шаҳридан Тоғли Бадахшонга – Хоруғ томонга салкам минг чақирим йўлни денгиз сатҳидан беш минг метр баландликдаги довонлардан ошиб ўтиб борганимиз, ҳаво етишмаслиги туфайли «тутак» деган касалликка йўлиқиб, мазам қочиб қолгани ҳамон ёдимда. Асар журналда эълон қилингач, бу тафсилотлар роман «тўқимаси»га унчалик сингмагандек туюлди. Шу боис уни китоб нашридан чиқариб ташладим. Китоб чоп этилгач, Матёқуб ака қўнғироқ қилиб: «Романдан Тангриберган линиясини олиб ташлаб яхши қилмабсиз», - деди. Бу боблар асарга сингмай тургандек туюлгани учун шундай қилганимни айтдим. «Барибир, - деди домла. - Ўша манзаралар, машаққатли сафар тафсилотлари романни тўлдириб турган эди. Қолаверса, уни асар тўқимасига сингмаган деганингиз тўғри эмас. Бош қаҳрамоннинг қисматидаги ҳолат – севган қизининг турмуш қуриб кетиши, Шерзоднинг дунёга сиғмай қолгудек бўлиб, олис ва хатарли сафарга жўнаши бу тасвирларни оқлаган...»

Шу суҳбатдан бир нарсани англадим. Демак, бирон асар ҳақида шунчаки фикр билдирибгина қолмай, ўша китобнинг кейинги қисмати нима бўлгани, муаллиф ўз ижодига қай даражада масъулият билан қараётганини мунтазам кузатиб бориш ҳам устознинг одати экан.

...Кейинги пайтларда домланинг кўриш қобилияти сустлашиб (кексалик) қолганига қарамай адабиётда пайдо бўлаётган асарларни кузатиб бориши, хонадонидаги қадрдонлари – янгамиз, фарзандлари ёки шогирдларига ўқитиб эшитганлари, улар ҳақида фаол муносабат билдириб кетганлигининг ўзиёқ таҳсинга лойиқ...

Матёқуб Қўшжоновнинг дунёга келиб орттирган энг катта бойликларидан бири – унинг шогирдлари десак, муболаға бўлмайди. Олим ва адиблар, шоир ва мунаққидлар орасида Матёқуб аканинг юзлаб шогирдлари бор. Умрининг сўнгги йилларида домла Юртбошимиз Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Бу адолатли мукофот эди. Негаки, домла адабиётимиз учун, маънавиятимиз, умуман, халқимиз учун чиндан ҳам буюк хизматлар қилди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

• *Эҳтиром*

ИЛМНИНГ ЁРУҒ ЙЎЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг Маданият саройи гавжум. Таниқли олим Муҳсин Валихоновни табаррук ёши ва қирқ йилдан ортиқ илмий-педагогик, жамоатчилик фаолиятига бағишланган илмий кенгашга муборакбод этиш учун Миллий университет раҳбарияти, факультетнинг профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси бир неча илмий-текшириш институтларининг вакиллари, Миллий университет ҳузуридаги Олий педагогика институти, Тошкент Давлат Ислом университети ва Низомий номидаги педагогика университети раҳбарлари, Бухоро Давлат университети табиатшунослик факультети вакиллари, устознинг курсдош дўстлари, шогирдлари ва талабалар тўпланишган.

Тадбир аввалида Муҳсин Валихоновнинг илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти ҳақида академик Жўра Мусаев маъруза қилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Эркин Воҳидов Муҳсин Валихонов билан бир мактабда ўқиган ва бир маҳаллада катта бўлганликлари, биргаликда пахта далаларида меҳнат қилганликларини шоирона таърифлаб берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кекса маориф ходими Ҳокимжон ака Ҳошимов Муҳсин Валихоновнинг ўқувчилик давридаги тиришқоқлиги ва жамоат ишларидаги фаоллиги, унинг бугунги эришган ютуқлари ҳақида ҳам гапириб, бундай шогирдлар ўз устозлари учун ифтихор эканлигини сўзлади. Курсдош-дўстлар олимнинг талабалик давридан ўта камтарин, олий инсоний ҳисларга бой, илм-фанга қизиқувчан, ростгўй, самимий ва меҳр-оқибатлилиги билан ўзгалардан ажралиб турганлигини мароқ билан ҳикоя қилишди.

Муҳсин Валихонов ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг биология-тупроқшунослик факультетини муваффақиятли тугатиб, 1961-64 йилларда Москва Давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. 1965 йилда номзодлик, 1983 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1964 йилдан ҳозирги кунгача шу олий даргоҳда меҳнат қилиб келмоқда. Устоз 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида кафедра мудири, факультет декани, Олий Аттестация комиссиясида биология бўлими эксперт кенгашининг раиси, илмий кенгаш аъзоси, 2000-2002 йилларда Миллий университет ҳузуридаги Олий педагогика институти илмий ва ўқув ишлари бўйича директор муовини лавозимларида ишлади. 2002 йилдан ҳозирга қадар шу институтнинг ўқув бўлими бош координатори вазифасини сидқидилдан адо этмоқда.

Профессор Муҳсин Валихонов уста ташкилотчи, изланувчан олим, устоз ва мураббий ҳамдир. У ва унинг шогирдлари олиб бораётган илмий изланишлар натижасида ўз соҳаларида муайян қонуниятлар очилиб, муаллифлик гувоҳномаси олинди. Домла раҳбарлигида 16 та фан номзодлари ва 2 та фан доктори етишиб чиққан.

Муҳсин Валихонов 200га яқин илмий ва илмий-услубий ишларнинг муаллифи. Улар орасида монография ва муаллифлик гувоҳномаси, иккита ўқув қўлланма ҳамда дарслик диққатга сазовор. Айниқса, муаллифнинг «Табиатшунослик асослари» номли дарслиги табиатшуносликнинг ҳозирги замон концепциялари асосида яратилган бўлиб, у бугунги кун талабларига жавоб беради.

Дарс ва маърузалари асосий фан билан бир қаторда миллий истиқлол ғояси, адабиёт, тарих, шеърият ва санъат билан суғорилганлиги учун нафақат талабалар, балки малакаошириш курсларига келган ўқитувчи ва факультет домлалари ҳам устоз дарсларининг доимий иштирокчиларидир.

Устоз бир гапни кўп такрорлайди: «Ёшлигимда орзу қилган нарсаларимни Оллоҳ менга ортиғи билан берди, шунинг учун ҳаётдан армоним йўқ. Москвадами, Тошкентдами, барча устозларим ўта ҳалол, тўғрисўз, билимдон, инсофли инсонлар эдилар, бу соҳада ҳам бахтлиман. Шогирдларим ҳам устозларим каби бўлишларини истайман.»

Муҳсин аканинг ёру биродарлари ва умуман кўпчилигимиз мана шундай улуғ ёшга етиб келдик ва келаяпмиз. Шу ўринда ўтган асрнинг 70-йилларида курсдошимиз, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бизнинг ёшимиздагиларга атаб ёзган шеърларидан бирини эсладик:

Ёшлигимда келган омад
Мен учун омад эмас,
Ёшлик андоқ бахт эрурким
Ўзга бахт ҳожат эмас.
Неки толе бўлса кўрсам,
Дейман улғайгач ёшим,
Ёшлигимга чунки бахтни
Қадр этиш одат эмас...

Дўстимиз Муҳсин Валихоновнинг улғайгандаги ҳаёти шоир орзу қилганидек ҳавасга арзийди.

М.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институтининг доценти,
А.ҲАМРОҚУЛОВ,
профессор

• *Ҳар бир муаллим...*

МИЛЛАТНИНГ ЧИНАКАМ ВАКИЛЛАРИ

«Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг чиқиши республикамиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларнинг кўнглидаги иш бўлди.

Ҳар гал ўзим таълим олган мактабни, устозларимни эсласам, бир ўқитувчимизнинг гапи ёдимга тушаверади. Мактабда тарих фанидан дарс берадиган муаллимимиз деярли ҳар бир дарсда биз – битирувчи синф ўқувчиларидан келажакда қайси касб эгаси бўлмоқчи эканимизни сўрарди. «Мактабимизда ўн йилдан кейин ким ўқитувчилик қилади? Эртага фарзандларингизга ким таълим беради, ҳар доим айтаман, ўқитувчиликнинг нимаси ёмон. Дарс соатинг тайин бўлса...бўш вақтинг ҳам кўп бўлади...», дерди устозимиз куюнчаклик билан. Мана, орадан бир олийгоҳни тамомласа бўладиган вақт ўтди. Синфдошларимдан икки-учтаси шу касбни танлашди. Ҳозир мактабда ўқитувчилик қилишяпти. Кеча битирувчи синфда ўқийдиган укам айтиб қолди, жонкуяр устозимиз уларни ҳам ўқитувчи бўлишга ундаётган экан.



Бу гапларни нега эслаяпман. Сабаби, кейинги йилларда малакали ўқитувчи-мураббийларни тайёрлаш масаласига катта эътибор бериляпти. Мактабларда олий маълумотли кадрлар етишмаслиги сезилиб қолди. Коллеж ва лицейлар сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Орадаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масаласига жиддий қаралмоқда. Туман марказларидаги мактабларнинг ўзида қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилмоқда, олийгоҳлардан тажрибали устозлар чақириб, ўқитувчиларга сабоқ берилмоқда.

ЮРТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР

Юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган болалар спортини ривожлантириш йўлида қилинаётган давомли ишларнинг самараси ўлароқ республикамизнинг турли жойларида спорт мажмуалари қурилиб, болалар ихтиёрига топширилмоқда. Бу мажмуалар тез муддатда болажонларнинг севимли машғулот масканига айланиб улгурмоқда. Табиийки, ҳар бир мажмуа спорт майдончалари, машғулот, ювиниш ва дам олиш хоналарига эга.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган «Тош кўч» спорт мажмуаси ҳам ўзида яратилган имкониятлари билан туман ёшларининг спортда эришаётган ютуқларига омил бўлмоқда. Бу мажмуада спортнинг футбол, Турон якка кураши, бокс, таэквон-до, каратэ, муай-тай турлари билан мунтазам машғулотлар олиб борилмоқда. Биргина муай-тай секцияси фаолияти билан танишадиган бўлсак, жамоа аъзоларининг муносиб ютуқларга эришаётганликларини кўришимиз мумкин. Бош мураббий Қаюм Маҳмудовнинг ўз ишига масъулият билан ёндашуви ҳам ана шу нуқтада намоён бўлади. «Тош кўч» спорт мажмуаси қошида ташкил этилган муай-тай клубининг фаолият бошлаганига эндигина икки ой бўлганлигига қарамай, клуб аъзолари бир қатор ютуқларга эришишди. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар биринчилигида жамоанинг 32 кг.дан 60 кг.гача бўлган вазнда жанг ўтказган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 15 та аъзоси мусобақанинг юқори шоҳсупасига кўтарилишди. Эътиборли жиҳати шундаки, клуб аъзолари орасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бор. Булар Жамолиддин Салимжонов, Баҳодир Халиловлар бўлиб, улар шу кунгача ўтказилган учрашувларнинг аксариятини ғалаба билан якунлашган. Бугунги кунда бу спортчилар терма жамоамиз аъзолари билан биргаликда 2006 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига жиддий тайёргарлик олиб боришмоқда.

Юрт ана шундай фарзандларини эъзозлайди, улар билан фахрланади. Бу фарзандлар ўзбек ёшларининг салоҳиятини, иқтидорини, имкониятларини жаҳонга кўрсатиб бера оладиган миллатимизнинг чинакам вакилларидир.

Фазлиддин СУЮНОВ

• *Ҳар ишнинг алифбоси*

КАСБ ТАНЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳурматли «МТ»!
Мен газета фақат ахборот бериш билан чекланмай, катта ҳаётга кириб келаётган ёшларни яшашга ҳам ўргатса, дейман. Мисол учун ёшларнинг касб танлашини олайлик.



Касб танлаш турмуш қуришга ўхшайди. Севиб, севилиб, бир-бирининг яхши-ёмон томонларини билиб, фазилатлари билан фахрланишга, камчиликларини кечиришга тайёр бўлиб, оила қурганларга одам доимо ҳавас билан қарайди. Чунки улар жамиятда алоҳида ўрин тутадилар ва назаримда, ўз аҳилликлари, тўғри йўлни танлаганликлари билан жамиятни жипслаштириб, қовуштириб турадилар. Бир-бирлари учун нималарнидир қурбон қилганлари учун ҳам бахтлари бутун бўлиб бораверади.

Ўзига лойиқ, ўзига севимли касбнинг этагини тутганларни ҳам худди шундай деб биламан. Ўз севимли касблари билан шуғулланаётганлар машаққатларни енга оладилар ва менимча, эл-юртга ҳам яхши наф келтира оладилар.

9-синфни битириб, нима қилишни билмай, кўзлари жовдираб турган навқирон ёшлар ўз имкониятларини чамалаб, йўл танлашда, албатта, бир талай қийинчиликларга дуч келадилар. Лекин шунда ҳам ўзларини йўқотмай, яхши фикрласалар, уларга юзлаб касб-ҳунар коллежлари-ю, академик лицейлар мунтазирдир.

Ёшлик – келажак пойдевори. Унинг қадрига етсак, билим ва ҳунар эгаллашга интилсак, марра бизники. «Илми-ҳунари бўлмаган киши хори муғилонга ўхшайди, на ўзига, на ўзгаларга фойдаси тегади», деган экан донишманд Кайковус. Ҳа, ҳаёт инсонга бир марта берилади. Унда ўз ўрнини, ўз йўли, ўз бахтини топиб яшашга нима етсин!

Элдор АКРАМОВ

ЮРТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР

Шаҳар ва туман марказларидаги аҳвол яхши, баъзи чекка қишлоқларда ҳали ҳам айрим фан ўқитувчиларининг йўқлиги муаммо бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ёши каттароқ ўқитувчиларнинг кўпчилиги бошқа соҳаларга ўтиб кетишди. Бири ҳозир савдо соҳасида, бошқаси фермер... Бир-икки йил аввал «мактабда фақат фидойилар қоляпти», деган эди яна бир устозим.

Бугунги кунда Халқ таълими ходимларига берилаётган эътиборнинг келажак авлод учун ҳар томонлама фойдали эканлигини айтиб ўтиш ўринли. Ўқув даргоҳларидаги аҳвол билан қизиқиб, туманимизнинг энг кўзга кўринган, фидойи ўқитувчиларидан бири билан суҳбатлашишни ният қилдим. Тумандаги мактабларда ўттиз йилдан ортиқ муаллимлик қилган, ҳозир ҳам касбига садоқат билан ишлаб келаётган ўқитувчи Анора Пардабоевага юқоридаги гапларни айтиб, уларнинг фикри билан қизиқдим.

- Ҳукуматимизнинг ўқитувчиларга бераётган ғамхўрлиги яхши бўлди,- деди суҳбатдошим. - Ўқитувчига эътибор берилди дегани юрт келажагига эътибор берилди дегани аслида. Тўғрисини айтиш керак, меҳнатга эътибор, имконият бўлган жойда изланиш, янгиликларга интилиш ҳам бўлади. Ўқитувчининг маоши яхши бўлса, ўзини бошқа соҳаларга «урмайди», бўш вақтида дарсларга тайёрланади, ижодий иш қилади, бир сўз билан айтганда, ўзини шу соҳага бағишлайди. Ҳозир Чиноз туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида дарс бераяпман. Бу ерга ишга ўтганимга уч йил бўлибди. Биринчи марта коллежга келган куним кечагидек эсимда. Бу ердаги тартиб, озодалик, ҳар бир ишнинг ўз ўрнида бажарилиши менга ёқиб қолганди. Биринчи навбатда ҳамма талабаларнинг формада эканлиги мени қувонтирган. Кейинги вақтда ўқитувчиларимизнинг ҳам махсус формага ўтгани яхши бўлди. Инсоннинг юзи ҳам, сўзи ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам гўзал бўлиши кераклиги ҳақидаги Чеховнинг гапини бир эсланг. Бу гап айнан биз - ўқитувчилар учун айтилган, назаримда. Ўқитувчи ҳар томонлама гўзал бўлиши керак. Кўпчилик ўқитувчилар шогирдларининг идеалига айланиб қолиши ҳам шундан. Ўқувчиларнинг дарсга қизиқиши ёки дарсга бепарволиги ҳам ўқитувчининг ўз устида ишлаши ёки ишламаслигига боғлиқ. Изланувчан, ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик билан келадиган, дарсни қизиқарли ўтадиган ўқитувчиларнинг шогирдлари ҳам билимли бўлишади. Ўқувчилар дарсда турли хил мавзуларда, кутилмаган саволлар бериб қолишади. Муаллим бунга тайёр туриши керак. Ўқув даргоҳимизда очиқ дарслар тез-тез ўтказиб турилади. Очиқ эшиклар кунини ташкил қилиб туришимиз ҳам яхши натижалар беряпти. Яқинда коллежимиз ўқитувчиларига ноанъанавий услубдаги дарс ишланмаларини тайёрлаш ҳақида топшириқ берилди. «Мен ва шогирдларим. Биз бир-биримизни англашимизга нималар ёрдам бермоқда» мавзуида тадқиқот иши қилдим. Бугун ўқитувчиларга эътибор ҳам, талаб ҳам ортди. Ҳамкасбларимга энди янада яхши ишлайдиган вақт келди, дегим келади.

Ҳа, ҳар бир ўқитувчи дарсга ана шундай масъулият билан қараса, қўшимча вақт топиб, ўз устида ишласа, ўқиб-ўрганса фойдали экан. Анора опа билан хайрлашар эканман, иш столи устидаги Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» китобига кўзим тушганини кўриб, «Бу китобни етти марта ўқиганман. Яна ўқияпман. Аввал ҳис-ҳаяжон билан ўқиган эканман, ҳозир ақл билан ўқиётганга ўхшайман. Ҳар бир адабиёт муаллими яхши китобхон бўлиши керак», деб қўйдилар.

ГУЛБАҲОР ОРТИҚҲЎЖАЕВА

Қонунни биласизми, ҳоким жаноблари?

Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2004 йил 8 июлда Юнусобод тумани Амир Темур кўчаси, Марказ-4 мавзеси ҳудудида «Габус» қурилиш-инвестиция фирмасига уй-жой мулкдорларининг ширкати ҳудудидан қисман ер олиниши ҳисобига биринчи қаватида савдо-маиший хизмат мажмуалари жойлашган кўп қаватли турар жой биноларини қуриш учун, шахсий гаражларнинг кўчирилиши шарти билан майдони 0,25 гектарли ҳамда ер ости гаражини қуриш учун 0,24 гектарли, жами 0,49 гектарли ер қурилиш муддатига ажратиб берилиш ҳақида қарор қабул қилинган. Бу қарордан норози бўлган фуқаролар турли идораларга арз қилиб чиқишган. Натижа чиқмагач, шу ҳудудда яшовчи фуқаро Ф.Акинфеев ва бошқалар шаҳар ҳокими чиқарган ушбу қарорнинг қонунийлигини аниқлаб беришни сўраб Республика Бош прокуратурасига мурожаат қилишади.

Ариза бўйича ўтказилган текширишда Тошкент шаҳар ҳокимининг бу қарори қонунга зид қабул қилингани аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 10-моддасида фуқаролар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишида иштирок этишлари ҳуқуқини таъминлаш нормалари белгиланган. Ҳоким қарор қабул қилишдан аввал турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган ҳудуддаги фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари ушбу ҳудудда қурилиш олиб борилиши ҳақида хабардор қилинмаган, фуқароларнинг яшаш муҳитидаги тахмин қилинаётган ўзгаришлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим этилмаган ва бевосита жамоатчилик билан жойида муҳокама қилинмаган. Оқибатда, ҳудуддаги фуқаролар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларининг қарор тасдиқлангунга қадар уни муҳокама қилиш, таклифлар киритиш ва ушбу қарорни тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқлари поймол этилган. Ҳокимнинг қарорида «Габус» қурилиш-инвестиция фирмасига ер майдони тегишли уй-жой мулкдорларининг ширкати ҳудудидаги ер майдонидан қисман олиниши ҳисобига ажратилиши қайд этилганлигига қарамасдан, қурилиши режалаштирилган турар-жой биноларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари «Қашқар» уй-жой мулкдорлари ширкати аъзолари билан келишилмаган ва ширкат аъзоларининг умумий мажлисида муҳокама қилинмаган. Бу билан Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонуни ва «Ер кодекси» талабларига амал қилинмаган. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида эгаликдаги ёки фойдалинишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бериш фақат шу участка қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилгандан кейин амалга оширилиши белгиланган.

«Габус» қурилиш-инвестиция фирмасига ажратилган ер майдонида муқаддам Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси буюртмасига асосан «Тошкентбошпланлити» томонидан 1983 йилда ишлаб чиқилган «Тошкент шаҳар марказининг батафсил режалаштирилган лойиҳаси»га кўра тўрт қаватли турар-жой биносини қуриш режалаштирилган. Шунга қарамасдан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарорида Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг ёки бошқа шахснинг эгалигида ёхуд фойдаланишда бўлган мазкур ер участкасини белгиланган тартибда олиб қўйилиши ва шундан кейин бошқа шахсга берилиши қайд этилмаган. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлари шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишида иштирок этишлари ҳуқуқини таъминлаш нормалари белгиланган. Ҳоким қарор қабул қилишдан аввал турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган ҳудуддаги фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари ушбу ҳудудда қурилиш олиб борилиши ҳақида хабардор қилинмаган, фуқароларнинг яшаш муҳитидаги тахмин қилинаётган ўзгаришлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим этилмаган ва бевосита жамоатчилик билан жойида муҳокама қилинмаган. Оқибатда, ҳудуддаги фуқаролар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларининг қарор тасдиқлангунга қадар уни муҳокама қилиш, таклифлар киритиш ва ушбу қарорни тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқлари поймол этилган. Ҳокимнинг қарорида «Габус» қурилиш-инвестиция фирмасига ер майдони тегишли уй-жой мулкдорларининг ширкати ҳудудидаги ер майдонидан қисман олиниши ҳисобига ажратилиши қайд этилганлигига қарамасдан, қурилиши режалаштирилган турар-жой бинолари шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишида иштирок этишлари ҳуқуқини таъминлаш нормалари белгиланган. Ҳоким қарор қабул қилишдан аввал турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган ҳудуддаги фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари ушбу ҳудудда қурилиш олиб борилиши ҳақида хабардор қилинмаган, фуқароларнинг яшаш муҳитидаги тахмин қилинаётган ўзгаришлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим этилмаган ва бевосита жамоатчилик билан жойида муҳокама қилинмаган. Оқибатда, ҳудуддаги фуқаролар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларининг қарор тасдиқлангунга қадар уни муҳокама қилиш, таклифлар киритиш ва ушбу қарорни тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқлари поймол этилган. Ҳокимнинг қарорида «Габус» қурилиш-инвестиция фирмасига ер майдони тегишли уй-жой мулкдорларининг ширкати ҳудудидаги ер майдонидан қисман олиниши ҳисобига ажратилиши қайд этилганлигига

лар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом»ида ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер участкаларини ажратиш икки босқичда амалга оширилиши, яъни биринчи босқичда корхона, бино ва иншоот қурилишини лойиҳалаштириш учун ер участкасини танлаш ва бу тўғрисида келишиш, иккинчи босқичда лойиҳа ишлаб чиқилгандан ва қурилишни бошлаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин ер участкаси ажратилиши тартиби белгиланган. Бундай тартиб Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида ер бериш ва уни мусодара этиш ҳақидаги Низом»ида ҳам қайд этилган. Ҳоким эса ер ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишида бу тартиблар талабларини ҳам бузган.

Дарҳақиқат, «Тошкентбошпланлити» томонидан 1983 йилда ишлаб чиқилган ва ҳозирда амалда бўлган «Тошкент шаҳар марказининг батафсил режалаштириш лойиҳаси»га кўра қурилиш майдони 720 квадрат метрга тенг 4 қаватли турар-жой биноси қуриш белгиланганига қарамай, «Габус» қурилиш-инвестиция фирмаси буюртмасига асосан «Архплан» архитектура-қурилиш фирмаси томонидан ишлаб чиқилган бош режада қурилиш майдони 1600 квадрат метрга тенг бўлган, жойлашув ўрни ва шакли ўзгартирилган 4 қаватли 3та турар-жой бинолари ҳамда лойиҳада белгиланмаган 50та автомобилга мўлжалланган ер ости гаражини қуриш, унинг устида болалар спорт ўйингоҳи ва бошқа объектлар жойлаштирилиши қайд этилган. Буюртмачи ва лойиҳачи ташкилотлар томонидан «Тошкент шаҳар марказининг батафсил режалаштириш лойиҳаси»га бир томонлама киритилган ўзгартиришлар Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан келишилмаган ҳамда шаҳарсозлик кенгаши муҳокамасига қўйилмаган.

Қарорда «Габус» фирмасига 0,49 гектар ер участкаси қурилиш муддатига ажратилиши қайд этилган. Ер кодексида корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки уларни оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ана шу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтиши белгиланган.

Демак, «Габус» фирмаси томонидан турар-жой бинолари қурилиши тугатилгандан сўнг ушбу бинолар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам янги мулкдорларга ўтади. Ўз навбатида бундай ҳолат умумий фойдаланишда бўлган ер майдонининг ҳуқуқий мақомини ўзгартиради.

Мавжуд турар-жой уйлари аҳолисини умумий фойдаланишида бўлган ер майдонидан, унда жойлашган ижтимоий инфраструктура объектларидан, хусусан, мавжуд болалар майдончаси, бассейн ҳавзалари, дарахтлар каби кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш объектларидан фойдаланиш ҳуқуқий чекланишига олиб келади. Тошкент шаҳар ҳокимининг фуқароларнинг ҳақли эътирозларига ва юқори идораларга арз қилишларига сабаб бўлган қарори Республика Бош прокуратурасининг протести билан бекор қилинди. Прокуратура аралашуви билан Тошкент шаҳар ҳокимияти масъулларининг ҳуқуқий саводхонлигидаги оқсоқлик оқибати бартараф этилди.

Собир ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси прокурори,
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Милий тикланиш» махсус мухбири.

• Тадбиркор амалиётлари

ФОВЛАР ОЛИБ ТАШЛАНМОҚДА

Йилдан йилга тадбиркорларнинг эркинроқ ҳаракат қилишлари учун қонуний асослар яратилаётир. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни кенгайтиришда тадбиркорларнинг ўрни ортиб бораётир. Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган яна бир ҳуқуқий ҳужжат–«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккани тадбиркорларимиз учун мустаҳкам таянч бўлди.

Фармонга кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни кескин қисқартириш белгиланган. Энди микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида ўтказилади.

Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш, тадбиркорлар билан учрашув, мулоқотлар ўтказиш, амалий ёрдам бериш, қонунлар талабларини тушунтириш ва тарғибот қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ер ажратиш, фаолиятини кенгайтиришда таъмагирлик ҳолатларининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётир. Вилоят прокуратурасида «Фермерларни ҳуқуқий ҳимоялаш хизмати» ва ишонч телефонлари ташкил этилган.

Янгиариқ туманидаги «Тойир Шомурот» фермер хўжалиги раҳбари О.Тоиров «Оқ мачит» муқобил машина-трактор парки раиси М.Худойберганов ва ер тузувчи Ж.Рўзметовга мурожаат қилиб, фермер хўжалиги учун ажратилган ер майдонининг 0,6 гектарини фуқаролар Ҳ.Каримов, Д.Каримов, К.Каримов ва Ш.Матмуротовлар ўзбошимчалик билан эгаллаб олганини билдириб, ерни қайтариб олиш учун ёрдам беришларини сўрайди. Масъул раҳбарлар эса фермернинг арз-додига эътибор беришмайди. Туман прокуратураси аралашуви билан ўзбошимчалик билан эгалланган ер фермерга қайтарилди. Айрим солиқ инспекциялари якка тадбиркорларнинг банклардаги ҳисоб рақамларига қонунга зид равишда инкасса топшириқномаларини қўйишаётир. Қонунда жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни ҳамда тўланмаган жарималарни ундириш суднинг қарори асосида амалга оширилиши белгиланган. Урганч шаҳар давлат солиқ инспекцияси А.Эгенбердиевнинг АТ «Савдогарбанк»даги ҳисоб рақамига 83,4 минг сўмлик даромад солиғини ундириш юзасидан инкасса топшириқномаси кўяди. Шундай инкасса топшириқномалари якка тадбиркорлар М.Раҳимова, Р.Худойберганова, Ш.Ғуломова, Б.Собировларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига ҳам қўйилади. Текшириш натижасига кўра, хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қараган шаҳар ДСИнинг жисмоний шахсларни солиққа жалб қилиш бўлими бошлиғи А.Ниязметов интизомий жавобгарликка тортилди. Инспекция бошлиғи А.Матчанов эса қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантирилди.

Янгибозор туман ДСИ бошлиғи «Ҳамдамбек» фермер хўжалиги раҳбари Б.Адамбоевни, «Машъал» хусусий фирмаси раҳбари У.Зариповни, «Умид» хусусий корхонаси раҳбари О.Ражаббоеваларни жаримага тортиш ҳақида ноқонуний қарор қабул қилган. Бундай қарорларга протест келтирилди ва ноқонуний ундирилган жарима пуллари тадбиркорларга қайтарилиши таъминланди.

Хива туман давлат солиқ инспекцияси якка тадбиркор М.Исмоиловага нисбатан 2 миллион 429,6 минг сўм миқдорда молиявий жарима қўллаш ҳақида вилоят хўжалик судига киритган даъво аризаси рад этилди. Мазкур ишни прокурор иштирокида кўриш жараёнида якка тадбиркор М.Исмоиловнинг банкка топширган савдо пули Ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банк»нинг Хива амалиёт бўлими ходимлари айби билан унинг ҳисоб рақамига тушмасдан, бошқа якка тадбиркор А.Исмоиловнинг ҳисоб рақамига ўтиб кетади. Банк томонидан ушбу камчилик бартараф этилди. Хатоликка йўл қўйган банк ходимлари интизомий жазога тортилди.

Жорий йилнинг ўн ойида вилоят прокуратураси органлари томонидан уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитлар ҳақида маҳаллий ҳокимлик ва бошқа тегишли идоралар раҳбарлари номига 10 та тақдимнома берилди.

Мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарор ва бошқа ҳужжатларини бекор қилиш юзасидан 20 та протест киритилди. Қўпол қонун бузилишлари юзасидан 3 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди. Кимки тадбиркор йўлига ғов бўлса, молия-хўжалик фаолиятини ноқонуний текширса, прокуратура идоралари уларга қонуний жазо чораларини кўраверади.

Улуғбек ҚУРЯЗОВ,
Хоразм вилояти прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, 1-даражали юрист

ОДАМЛАР ОРАСИДА



Партиямиз сафида ўз ишини пухта биладиган, тажрибали зиёлилар кўп. Албатта, партия ишининг жонланишида, халқ орасига янада жадалроқ кириб боришида уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг раҳбарлари қанча фаол бўлса, партиянинг фаоллиги ҳам ана шунда сезилади. Демак, асосий эътибор одамлар орасида ишлаб, изланиб яшаётган зиёли кишиларимизга қаратилади. «Миллий тикланиш»нинг шундай жонкуяр аъзоларидан бири, олий тоифали врач–графолог Холида Очилова 1981 йилдан буён «Чинобод» сиҳатгоҳида ишлаб келмоқда.

– 1995 йилда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партиясига аъзо бўлган эдим. Ҳозирда партиянинг Юнусобод туман кенгаши хотин–қизлари билан ишлаб келяпман. Бугунги кунга келиб сиҳатгоҳимизда партия аъзоларининг сони ўттиздан ортди, – дейди у мамнуният билан.

• Газетхон овози

БЕЛГИСИЗ ҚАБР... БЕЛГИСИ ВА ОЗОДЛИК

Ҳурматли "МТ" таҳририяти!

Газетангиз саҳифаларида ёритилаётган илм-фан янгиликлари, тафаккур ўзгаришлари, ўтмиш тарих тадқиқотларини қизиқиб ўқиб борамиз. Уларда зиёли замонамизнинг овози келиб туради. Хусусан, экология муаммолари, она сути ва бола тарбияси, янги эстетика билан боғлиқ масалалар ҳамда айниқса, "Илм қудрати" рукни остида ёритилган заҳматкаш олим Сирожиддин Аҳмаднинг "Бир сиёсий қотиллик тарихи" ("МТ", 2005й 10 июн) тадқиқоти, бизда чуқур таассурот қолдирди. Биз олимларимизнинг илм-фан соҳаларидаги изланишларини мунтазам ўқиб боришни истаймиз. Миллат отаси бўлган Беҳбудийнинг ўлими, у кўмилган ер ҳамон тахминлар, фаразлардан нариги ўтмаяпти. Биз шу очиқ турган савол атрофида ўзимиз ўқиб билган маълумотларга "МТ" ўқувчиларининг эътиборини тортмоқчи эдик. Миллатимизнинг улуғ бир зиёратгоҳи ҳақидаги масала то тўла аниқлангунча, ҳал қилингунча кун тартибидан тушмаслиги керак, деб ўйлаймиз.

Истиқлол ва озодлик куртаги дастлаб "жадидлар" кўксида ниш уриб, етилган эди. Истиқлол йилларида халқимизнинг бу асл фарзандларининг табаррук номлари қайта тикланди, уларнинг асарлари эълон қилинди, фаолиятлари тадқиқ этилди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Мард боболаримиз ҳаёти ва фаолиятининг номаълум саҳифалари ҳали кўп... Жадидчиликнинг қатор қирралари бугунгача Б.Қосимов, П.Равшанов, Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Ш.Ризаев, Д.Алимов, С.Аҳмедов каби олимларимиз томонидан ўрганилиб, имкон қадар ёритилди. Шундай бўлса-да, жадидшуносликнинг ҳамон жавобсиз саволлари оз эмас.

Бир пайтлар минг йиллар бурун ўтган Абу Абдулло Рўдакий қабрини устод Беҳбудийнинг шогирди Садриддин Айний раҳбарлик қилган илмий экспедиция аниқлаб бергану нима учун бугун ҳар бир соҳа учун имкониятлар кенг қулоч ёзган бир замонда мана шу кунларни бизга яқин қилган фидойи жадидларимизнинг сўнгги макони қаерда эканлигини аниқ била олмаяпмиз? Беҳбудийни жадидлар отаси сифатида ўрганиб, фаолияти, ҳаётини тадқиқ этамизу, унинг ўлими ва қабри хусусидаги бахсли мунозарада бир ишонарли натижага эриша олмаймиз? Масала шунчалар чигалми? Бизни ҳам бу савол тинч қўймайди.

Қашқадарёлик адиба Шарофат Ашурованинг "Беҳбудийнинг қабри қаерда?" номли мақоласида анчайин қизиқарли мулоҳазалар айтилган. Муаллиф Қаршининг Иқбол кўчасида яшовчи ёши тўқсонларга бориб қолган, йигирманчи йилларда Қарши маҳбусхонасида ишлаган ва кўп воқеалар кечагидек хотирасида қолган Мусахон буванинг хотираларини келтириб ўтади:

-Беҳбудий деганлари қатл этилганда биз ўсмир бола бўлганмиз. Айни қама-қамалар даврида Қарши қамоқхонасида ишладим. Биз билан бирга ишлаганлар Беҳбудий Хўжа Абдулазизхон мадрасаси яқинидаги беклик чорбоғида қатл этилиб, шу ернинг ўзида кўмиб, қабри текислаб ташланган, дейишарди. Шаҳидлар бир неча киши бўлиб, уларни ўлдирган йигит кейин жинни бўлиб қолган.

Мақолада яна "Олтин мероС" хайрия жамғармаси Нишон тумани бўлимининг бошлиғи Пўлат Хидировнинг хотиралари берилади: "1967 йил эди, чамамда. Отам билан қўшнимиз Ҳусаинов бобо гурунглашиб ўтирган экан. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида гап кетди. Қўшнимиз қартайиб қолган, ғассолларнинг пири эди. Қўшнимизнинг гапларига қараганда, 1919 йилнинг март ёки апрел ойларининг охирида Қарши беги Тоға Ойбекнинг миршаби руҳий касал бўлиб, у кишининг ҳузурига келгани, йигит Беҳбудийнинг қатли вақтида ҳовлиқиб қолганидан болтаси қўлидан чиқиб кетгани, амаллаб бошини олгани, шу кундан буён кўзида уйқу йўқлигини гапириб беради. Суҳбатга мен ҳам қизиқиб қолдим. Чунки, Беҳбудий ким эканини билишни истардим. Қатлда қатнашган миршаб йигит Беҳбудий ва дўстларининг қабрларини текислаб, устига йўғичқа уруғи сепганларини айтибди. Шунда ғассол: бу мусулмоннинг иши эмас, қандай бўлмасин қабрга белги қўйиб, Қуръон тиловат қилиб келасан, шундан сўнг у одам сени безовта қилмайди, дебди. Миршаб уч чоршанба даволаниб, ўзи кўмган икки қабрнинг устига тупроқ уйиб, белги қўйиб келганини айтган экан. Мен гапга аралашиб, ўша жойнинг қаердалигини сўраганимда, Хўжа Абдулазизхон мадрасаси деворининг ортидаги иккита тутнинг тагидалигини айтди. Ўша пайтлари ғайратли журналистман, қўшнимиз айтган жойни бориб кўрдим. Ҳақиқатан ҳам, иккита қабр қаровсиз ётарди. У кишининг суҳбатидан кейин радиода Беҳбудий ва унинг қабри тўғрисида каттагина эшиттириш бердим, бироқ бунга ҳеч ким эътибор қилмади. Дарҳақиқат, Ҳусаинов бобо айтган воқеалар бўлган экан..."

Мақолада яна Хўжа Абдулазизхон мадрасаси ўрнида ҳозир Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи бўлиб, музей ходимларидан Муҳтарам опанинг 1980 йиллари бир қария киши келиб, ўзини 1-мактабнинг тарих ўқитувчиси деб таништиргани, музей девори ортидаги икки туп тут тагида Беҳбудий ва унинг маслакдошлари кўмилганлигини айтиб, жойларини кўрсатиб, қаровсизликда ётган қабрлар устида дуойи-фотиҳа қилиб кетгани ҳақидаги сўзлари ҳам айтиб ўтилади.

Устозлари Самар Нуров, Чори Ҳамро ва шу музей директории Солижон Пўлатовнинг саъй-ҳаракатлари хусусида ва улар билан Беҳбудий ҳазратларининг ҳаёти ҳақида қилган суҳбатларини баён қилган Шарофат Ашурова истиқлол йўлида шаҳид кетган боболаримизнинг, хусусан "Беҳбудийнинг қабри қаерда?" деган улкан ва ҳақли саволга беҳбудийшунос олимларимиз изланишларини давом эттиришларини, шу билан бирга тиббий экспертиза ходимлари, антрополог ва бошқа мутахассислардан иборат нуфузли экспедициягина аниқ жавоб бериши мумкинлигини таъкидлайди. Зеро, «Тарих истиқболнинг тарозисидур, ҳар ким ўлчасун-да, билсун!» деган Беҳбудий ўгитига амал қилган халқ фақат олға қараб юради, бошқаларга муте бўлмайди, тенглар ичра тенг бўлиб яшайди.

Гулрухсор УМАРОВА,
Машҳурбек АСҚАРОВ

СОҲИР ҲИСЛАР МУЖДАСИ

Иқтидорли шоира Ўктамой Холдорованинг «Оққуш излари» китобига тақриз ўрнида

Шоирнинг рассомдан фарқи нимада?

Рассом мойбўёқ билан табиат манзараларини қоғозга чизади. Шоир эса сўзлар ёрдамида кўнгил суратини чизади. Гоҳида мусаввир чизган суратга боқиб, яхши бир шеър ўқигандек бўласиз, гоҳида эса шеър ўқиб, худди гўзал манзарали сурат томоша қилгандек завққа тўласиз. Ҳар иккала ижодкорнинг асарлари ҳам инсоннинг ўзлигини англашга бўлган интилиши маҳсули эмасмикин?

Инсоннинг қалби ёлғизоёқ йўлга ўхшайди. У шундай бир сирли сўқмоқки, фақат кўнгил одамларигина унинг асрорларидан бахраманд бўла олади. Шеър эса шу йўлга қўйилган белгилардек. Уларга эргашиб борган одам қалбнинг сирли кошоналарига кириб бораверади.

Мана, соҳир ҳислар муждаси кафтимни тўлдириб турибди. Бир зумга бўлса-да, дунё ташвишларини унутиб, хаёл денгизига шўнғийман. «Оққуш излари». Тавба, учиб юрган қушларнинг ҳам излари бўларкан-да! Ҳа, бор. Фақат сиз дунёга шоиранинг кўнгил кўзлари билан боқинг.

Куз, айрилиқ, ранги заъфарон япроқлар, кўкдан сизга видо айтиб учиб кетаётган қушлар. Уларнинг мунгли кўшиқларини тинглар экансиз, қушларнинг беҳол қанот қоқишлари сизнинг қалбингизда из қолдираётганини пайқаб қоласиз. Негадир бу шеърларнинг сеҳрли оламига сингиб борганим сари КУЗ кўз ўнгимда бор бўйи билан гавдаланаверади.

«Бўй таратар нозбўйларнинг кокиллари, ифорлардан куннинг кўнгли тўладими? Гул умрини тиккан фасл қиморларга, Сизни топдим, сизсиз яшаб бўладими... Учажакман самоларга, қолади ишқ, Чархлар уриб муҳаббатнинг қоясида. Мен ғойибдан Сизни сўраб, тилаб олдим, Қолиб кетмай соғинчингиз соясида.»

Шеър – кўнгилнинг таржимони. Шеър – кўнгилнинг кўз ёши. Аввал шеър қалбнинг армон яралаб кетган жойини тирнайди, кейин яна ўзи малҳам қўяди. Қизиқ, шоира шунча дардни қоғозга тўккунича не аҳволга тушди экан?..

«Ғамдай тошиб келса бахт, Кунлар ошиб келса бахт, Сизни бошлаб келса бахт, Мен бўлмасман ўша вақт. Энг манглайи қора денг, Дили энди яра денг, Тупроққами раво денг...»

Кутиш - қон ютиш. Кутиш... у юракнинг энг покиза ибодати эмасми? Кутиш дийдорга элтадиган ғамбода, аммо ширин азобли, ҳар дақиқаси йилларга чўзилган вақт, унинг охири бахтга элтишига ишонилгани учун ҳам қадрли эмасми? Бир сиқимгина умрини ана шу катта ишонч билан ўтказиш кўнгилнинг матонати эмасми? Китобни ўқир экансиз, беихтиёр шоиранинг кўнгил дунёсидаги тоза туйғуларга ошно бўла бошлайсиз. «Ўктамой – рассом шоира, руҳият шоираси», — деб ёзилибди китобнинг сўзбошисида. Бир сўз билан айтганда, Ўктамой Холдорованинг «Оққуш излари» шеърий тўпламида дилга яқин руҳдаги шеърлар жамланган. Муаллифни янги тўплами билан қутлагим келди. Бундай йўл тутиш одат тусига кириб қолган. Шеърларни ўқиш асносида эса шундай хулосага келдим. У чиндан ҳам кўнгил одами. Аммо дард билан ёниб турган одамни табриклаб бўлармикин, билмадим...

Сўнгсўз ўрнида шоиранинг мана бу сўзларини келтиришни лозим топдим:

«Меҳрнинг этагин тутиб зор бўлдим, Қирқ жонимни бердим гиёҳга, тошга. Бу дунёда ишим қолмади чоғи, Кўнгил синиқларин теришдан бошқа».

Муҳаммад СИДДИҚ



ЖОРЖ БУШДАН МАКТУБ ОЛДИ

Кичкина деманг бизни...

Эндигина 12 ёшни қаршилаган Миразиз Юсуповга бугун кўпчилик тенгдошлари ҳавас қилса арзийди. Сабаби, у «Йилнинг энг намунали ўқувчиси» деган номга сазовор бўлди. Бу болакай республикамиз ўқувчилари ўртасида ўтказилган танловда ғолиб бўлгандир, деб ўйлаётгандирсиз, балки. Йўқ, Миразиз АҚШда ана шундай ютуққа эришди. Қандай қилиб дейсизми? Келинг, яхшиси, буни ўзидан эшитақолайлик.

— Оилавий шароитимиз сабаб бўлиб аввал Тошкентда, кейинчалик Малайзияда ўқишимга тўғри келди,- дейди Миразиз.- Мана, бир йилдирки, Америкада ўқишни давом эттираяпман. Янги жойга кўникиб кетишим осон бўлмади. Аъло баҳоларга ўқиганим учун менга «Йилнинг энг намунали ўқувчиси» деган мукофот беришди. Яқинда Президерт Жорж Бушдан табрик хати олдим. Ўқишларимга омад, муваффақиятлар тилаб ёзилган бу мактубни кўриб, ота-онам ҳам хурсанд бўлишди. Бу унутилмас воқеадан кейин ўзимга янада ишончим ортди. Биз – ёшлардан кўп нарса талаб қилинмайди. Муҳими, ўз вақтида дарс тайёрлашга эринмасак, тартибли бўлсак бўлди.

Бугунги кунда ёш спортчиларимиз ғалабалари билан ватанимизни дунёга танитаётгани рост. Биз билими, намунали хулқи билан ҳам хориж-лик тенгдошлари орасида ғолиб бўла оладиган ёшларимиз борлигидан қувондик. Демак, уларга ўз қобилиятларини синовдан ўтказиш учун имкониятлар эшигини очиб бериш керак экан.

МАНСУБА

125 ёшли аёл

Дунёдаги энг кекса аёл Бразилияда яшайди. Унинг ёши 125да бўлиб, ҳужжатларга қараганда Мария Оливия де Сильва 1880 йилнинг 28 февралида мамлакатнинг Итаптининга ҳудудида дунёга келган. Қария ҳозирда ўзини жуда яхши ҳис этиб, ҳаётида содир бўлган барча муҳим воқеаларни яхши хотирлаб бериши мумкин. У узоқ ҳаёти давомида 2 марта турмушга чиққан ва 10 нафар фарзанднинг онаси бўлиб, бундан ташқари яна 4 нафар болани асраб олган. Бироқ бугунги кунда улардан фақат учтаси тирик. Гиннес рекордлар қўмитаси де Сильва хонимни рўйхатга олиш устида иш олиб бормоқда.

Айиқ билан олишув

Аляскага уюштирилган экспедициянинг 15 ёшли қатнашчиси вақтинчалик истиқомат қиладиган уйга 180 килограмм оғирликдаги айиқ бостириб кирган. Оёқлари ноодатий тарзда қимирлаётганини сезган ўсмир уйғониб кетган. «Ўсмирнинг биринчи қилган ҳаракати шу бўлганки, у жони борича айиқни тепган. Айиқ эса ўнг оёғини тишлаб олган. Таслим бўлмасликка қарор қилган йигитча чап қўли билан айиққа тахминан ўндан зиёд зарба етказган», деб ҳикоя қилади сафар раҳбари Адам Бенсон.

Сўнгра ўсмир ўзида ҳуштак борлигини эслаб қолган. Хуштак ёрдамида у қолган сайёҳларни уйғотган. Улар эса айиқни чўчитиб юборишган. Шундан сўнг ботир «йигитча» тезда шифохонага олиб борилган.

Қўрқоқ «миллионер»

Хорватиялик Френ Селакснинг танишлари унга «бахтли» деб лақаб қўйиб олишган. Нега дейсизми? Чунки, у етти марта муқаррар ўлимдан муваффақият билан қутулиб қолган. Яна унинг аёллар ўртасида ҳам обрўси «зўр» бўлиб, жаноб Селакс тўрт марта уйланган.

Яқинда Френ биринчи бор лотерея ўйинига чипта сотиб олганди. Бунинг оқибати нима бўлишини сира хаёлига келтирмаганди. Қисқаси, Френ амаки ўйиндан сўнг миллион долларнинг соҳибига айланганди. Бироқ бу пулларни у анча олис бўлган Австралиядан олиши керак эди. Минг афсуски, «бахтли» Селакс пуллардан воз кечди. Буни эса журналистларга қуйидагича изоҳлади: «Мен нимада сузмайин — кемадами ёки қайиқда бўлсин, ҳатто энг хавфли вақтларда ҳам вазиятдан чиқиб кетиш усулларини биламан. Аммо ҳавода нима бўлиши биргина Худога аён».

Ким қандай ухлайди?

Одамнинг психологияси унинг қандай ухлашига боғлиқдир. Агар у қорин билан ётса, демак, уни ҳар хил кўнгилсизликлар, бунинг устига ишидаги ноҳушликлар қийнаяпти. Ғужанак бўлиб ётадиган одам ёлғизликдан қийналиб таянч излаган бўлади. Осмонга қараб ётадиганлар одатда мағрур ва иродали, ўз мақсадлари йўлида далил ҳаракат қиладилар. Бошини буркаб олиб ётадиганлар тушкунликка тушган одамлар бўлади. Ёстиқ қучоқлаб ётадиганлар чинакам севгига муҳтож. Агар одам ўнг ёнбошида ётса-демак, у ўзига қатъий ишонади. Бироқ у юқори поғонага кўтарила олмайди. Чап ёнбошида ётадиганлар кўпинча ижодий кишилардир.

С.ШОШИЙ тайёрлади.

Маълумки, ҳар йили Англияда гўзаллик танлови ўтказилиши анъанага айланиб қолган. Танловнинг бу йилги ғолибаси асли мусулмон фарзанди бўлгани кўпчиликни ҳайратга солгани сир эмас. 18 ёшли Хаммас Кохистон бу йил Англиянинг энг гўзал қизи деб тан олинди. Унинг оилавий ҳаёти билан яқиндан танишиш газетхонлар учун қизиқарли, албатта. Буни қарангки, Англия гўзали бўлган бу лобар қиз пойтахтимиз Тошкентда дунёга келган экан. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида Афғонистонда советлар режими ҳукм сурарди. Ўша вақтда Хаммаснинг ота-онаси олий маълумот олиш учун Ўзбекистонга келишади. Мусофир юртда туғилган қизчага Хаммас деб исм қўйишади.

1989 йили уларнинг оиласи Қобулга қайтади. Хаммаснинг отаси ҳукумат маъмуриятида ишга жойлашади, онаси эса маҳаллий университетда дарс бера бошлайди. Ҳукумат тепасига толиблар келиши билан улар Афғонистондан қочиб, аввал Украинадан, кейин

«МИСС АНГЛИЯ»

Тошкентда туғилган



эса Лондондан бошпана топишади. Хаммаснинг отаси кичкина тамаддихонада савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланади, онаси Лайла эса таржимонлик қилади. Шу тариқа улар уйли-жойли бўлишади, Британия фуқаролигини олишади.

Хаммас ёшлигидан модельер бўлишни орзу қиларди. Ўн тўрт ёшида у тасодифан бизнес оламидаги моҳир суратқашнинг назарига тушади. Шундан буён Хаммас машҳур модалар компанияси ва фармацевтика фирмасининг буюртмаларини бажариб келарди.

Ливерпулда ўтказиладиган «Мисс Англия» конкурси ҳақида унинг дугонаси хабар топади ва Хаммаснинг суратини танловга юборади. Ташкилотчилардан таклифнома келади...

Хаммаснинг ғалабаси ҳатто Бирлашган қиролликлар учун ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Мамлакат тарихида биринчи марта Англия гўзали унвонини олиш мусулмон қизига насиб этганди.

Айни дамда Хаммас жамоатчилик ишлари билан машғул. Одамларга меҳр-шафқат, саховат кўрсатиш тадбирларида қатнашаётган қизнинг зерикишга ҳам вақти йўқ. Ҳозирги кунда у кўп вақтини Покистон ва Афғонистонда содир бўлган зилзиладан жабр кўрганларга ёрдам йиғишга бағишлаётир. Қашшоқликка қарши курашни у ҳаётий шиори деб билади. XXI асрда ҳеч ким очликдан ўлмасин, деб умид қилади у.

Хориж матбуотидан Гавҳар ДИЛМУРОДОВА таржимаси.

• Спорт оламида

ЧИҚМАГАН ЖОНДАН УМИД

Эл ичида «Пул одамнинг жигаридан бино бўлган» деган гап юради. Бу гап нечоғли тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида бир нарса дейиш қийин, аммо бу пул дегани инсонларни ҳар қуйга солиши аниқ.



Дунёнинг машҳур боксчиларидан бири Майк Тайсон охирги вақтларда қаерга бормасин, энди боксни бутунлай тарк этгани, фақат томоша қилиши ёки шарҳлаши мумкинлиги ҳақида гапираётган эди. Аслида-ку, Тайсон обрў-эътибори борида XX асрнинг бокс қироли деб эътироф этилган Муҳаммад Алидек боксни тарк этса ҳам ҳеч ким уни айбламас эди.

Лекин Тайсондек таниқли спортчининг оддий ҳаёт кечиришига ҳам озмунча маблағ сарф бўлмас экан-да. Айтадилар-ку, «От қанча катта бўлса, яғири ҳам шунга яраша бўлади», деб. Биз кўп маротаба матбуот орқали Тайсоннинг қулоғигача қарзга ботиб қолганлигини эшитганмиз. Тайсоннинг мағлубиятга учрашига сабаб бўлган сўнгги жанглари барчаси азбароғи пул учун бўлиб, ҳатто ўтган йили Денни Уильямга қарши рингга чиққанида нокаутга учраб, ногиронлар аравачасига тушиб қолганди. 2005 йилда Кевин Макбрайдга қарши жанг қилди. Бу гал ҳам унинг омади чопмади.

Хуллас, кетма-кет мағлубиятлар мухлисларининг ҳам жонига тегди ва ундан бирин-кетин юз ўгиришди. «Йиқилган курашга тўймабди» ёки «чиқмаган жондан умид» деймизми, хуллас, Майк жаноблари 2006 йилда ярим оғир вазндаги Антонио Тарвер билан куч синашмоқчи. Тўғри, у энди рақибини енгса ҳам катта шуҳрат қозонолмайди. Аммо ўзининг айтишича, каттагина маблағга эга бўлади. Чунки, мусобақага Бирлашган Араб Амирликларида яшовчи бадавлат шайхлар ҳомийлик қилмоқчи. Оғир вазн бўйича собиқ жаҳон чемпиони рақибини енгадими, йўқми, бу ёғини вақт кўрсатади.

М.СИДДИҚОВ тайёрлади

Жилмайиб боқдинг сен

Н а ф о с а т

Эшикни очиб кириб жилмайиб боқдинг сен
Оббо, энди мен ҳам жилмайишим керак
хоҳламасам ҳам
Зеро жилмайишнинг ўрнимас ҳозир ишим кўп,
бунинг устига бошим ҳам қоттан
Барибир жилмайдим
У сенга қандай ярашган бўлса
менга ҳам шундай ярашди.
Бир фурсат жим туриб сўнг гап бошладинг
Қулоғимга киргани йўқ кўзларим сенда бўлса ҳам
Мен ўз хаёлларим билан бандман
Лекин уларни сенга айтмайман
жилмайиб туриб ҳам, хўрсиниб туриб ҳам
Мен уларни қандай айтиш
кераклигини билмайман

Ширин САБУРОВА, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри

АННА ПАРИЖГА БОРОЛМАДИ...

ёхуд қимматга тушган косметика

Анна у ерга боришдан ўзини тўхтатолмади. Борганда эса ўзига ўхшаган аёллар озмунча эмаслигини билди. Аввалига ташкилотчилар таширф буюрганлардан меҳмондорчилик эвазига 500 рублдан йиғиб олди. Дастурхонда номига ичимлик ва арзимаган емиш бор эди, холос. Бу ҳали бошланиши эди. Улар ҳеч қандай қийинчиликсиз 10 ёшга яшариш мумкин бўлган косметика борлиги ва ундан фойдаланиб ёшариб юрганлар ҳақида даъват қила бошлашди. Ушбу компанияга аъзо бўлиб пул ўтказганлар, нафақат мўъжизакор малҳамдан бахраманд бўлади, балки бепул Францияга саёҳат қилиш имкониятига эга бўлишини айтишганда, Анна ўзини йўқотиб қўяёзди. Ҳатто мижозлардан бири, яъни кўриниши 35 ёш бўлган аёл чиқиб, яқинда ўзининг 50 ёшга кирганлигини юбилей қилиб, нишонлаганини айтиб паспортини кўрсатганда, йиғилганларнинг кўпчилиги компаниянинг минг доллар ўтказиш ҳақидаги расмий ҳужжатига қандай қўл қўйганликларини ҳам сезмай қолдилар. Айримлари эса тезроқ яшариш ниятида таксида уйларидан пул олиб келдилар.

Анна ҳам бир неча йил мобайнида не-не қийинчиликлар билан йиққан пулларини ташкилотчилар қўлига осонликча топширди.

Орадан бир неча кун ўтди. На компаниядан, на улар ваъда қилган косметикадан дарак бўлмади. Ниҳоят у алданганлигини, яшариш орзуси эса сароб бўлиб чиққанлигини билди. Анна эски ошхона мебелларини артар экан, беихтиёр А.С.Пушкиннинг «олтин балиқ» эртагини эслади ва кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасди. Норасмий компания аллақачон ўз манзилини ўзгартириб бошқа мижозлар топиш учун жўнаб кетган эди.

Ҳа, бир қарашда гўёки атрофингизда содда одамлар қолмагандек, аммо мана бунга ўхшаш воқеаларни эшитганингизда ҳайратдан ёқа ушламай иложингиз йўқ. Гоҳида бирваракайига юзлаб одамларни алдаб кетаётган фирибгарларнинг санъатига қойил қоласиз. Эҳтиёт бўлинглар, орамизда фирибгарлар кўп.

Хориж матбуотидан М.Раҳматов таржимаси.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ИИБ томонидан хусусий тадбиркор Хакимов Дилшод Носирович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Муаллим кўчаси 40 – уйда жойлашган дўкон биносига «Б.Қодир» МЧЖ номига берилган №1 – 31/98 реестр рақамли бино ва ернинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Утерянный гос ордер: 10-01/6256. От. 10.02.93г. Права собственности Рисафов Трифон Петрос на квартиру **считать недействительным.**

В соответствии с постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05г.

ОАО «OZBEKGIDROENERGOQURILISH» раскрывает информацию о намерении приобрести 5 143 штук акций простых именных «1-Темир бетон буюмлари заводи» ОАЖ

Таш.обл., что составляет 25% от уставного фонда .

Адрес эмитента: Ташкентская обл, пос. Ялангач.

Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги Филиали ректорати ахборотлар ресурси Маркази директори Машкура Мирхалиловна Камалитдиновага отаси

Мирагзамов Мирхалил Мирагзамовичнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ | Бош директор: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Раъно ЗАРИПОВА, Хайринисо МИРЗАЖОНОВА, Шарифа САЛИМОВА, Абдунаби СИДДИҚОВ, Жаннат ТОШМАТОВА, Олим ЎСАРОВ, Мунира ҚОРИЕВА

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г – 225. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1502 Сотувда эркин нархда

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ Босишга топшириш вакти 20.00 Нашр кўрсаткичи – 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона – 133-67-51, 136-56-29, бўлим – 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими – 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00